

“Ўзмиллийбанк” АЖНИНГ
2022 йил 25 октябрдаги
23&2/17 сонли фармойишига
1-Илова

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки акциядорлик
жамияти ходимларининг одоб-ахлоқ
ҚОИДАЛАРИ

I. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Қоидалар деб аталади) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, хизматдаги хулқ-атвори қоидаларига мувофиқ ишлаб чикилди ҳамда Мижоз ва ходим муносабатларининг ташқи кўриниши, Банкдаги хулқ-атвор меъёрлари ва хизматдаги хулқ-атворини шакллантиришга доир хулқ-атвор қоидалари йигиндисидан иборат.

1.2. Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (кейинги ўринларда Банк деб аталади)нинг барча ходимларига жорий килинади. Банк ходимлари ушбу Қоидаларнинг талаблари бажарилиши юзасидан барча зарурий чораларни кўришлари шарт. Банк ходимлари хулқ-атвор меъёрларига катъий риоя килиниши ва корпоратив маданият яратилишини жавобгардирлар.

1.3. Ушбу Қоидаларнинг максадлари қўйидагилардир:

- қонун хужжатларининг талабларига сўзсиз амал қилиш ва хизматдаги хулқ-атворининг одоб-ахлоқ меъёрларини қўллашга асосланган, эътироф этилган стандартларга жавоб берадиган корпоратив хулқ-атворнинг тегишли меъёрларини шакллантириш ва Банк фаолиятининг кунлик амалиётига татбик этиш;
- Банк ва унинг Мижозлари обрўсини саклаб туриш ва мустаҳкамлаш;
- Мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати доимо яхшиланишини таъминлаш;
- Банк муваффакиятли ишлаши учун ходимлар фаолияти ва иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш.

II. Банкнинг касбий фаолияти тамойиллари

2.1. Банк ўз касбий фаолиятини қўйидаги тамойиллар асосида амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, касб одоб-ахлоқи меъёрлари ва анъаналарига сўзсиз риоя қилиш;
- жамият ва давлат олдидаги ўзининг фукарлолик ва профессионал бурчларини англаш, амалдаги қонунчилик меъёрларига асосланган ва давлат органларининг талабларини ўз вактида ва тўлиқ бажариш;
- банк бизнеси соҳасига жалб қилинган банк мижозлари, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хукук ва конуний манфаатларини хурмат қилиш;
- банк бўлимлари манфаатларини химоя қилишда банклараро хамкорликни ва ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш;
- ўзига олинган мажбуриятларга риоя қилиш ва юқори савияли ва сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш;
- банк операцияларини амалга оширишда таваккалчилик даражасини хисобга олиш ва чеклаш;
- хаққоний ракобатчиликни ривожлантириш, банк фаолиятининг ноинсоф қатнашчиларига нисбатан қарши курашиш;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларнн легаллаштиришга ва терроризмни

- молиялаштиришга қарши курашишда фаол иштирок этиш;
- ўзаро хурмат, хамфирлик ва ўзаро ёрдам бериш асосида халкар профессионал алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш;
- корпоратив бошқарув, шунингдек банк хизматларини кўрсатишда халоллик юзасидан ички ва ўзаро назоратни ўрнатиш;
- ўз иши фаолиятининг сифати ва натижалари бўйича жавобгарликнинг тўлаконлилиги.

III. Хизматдаги хулқ-атвор меъёrlари

3.1. Банк ходимларга нисбатан қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- ишга қабул килаётганда ходимларнинг чукур билимга эгалиги, самарадорлилиги ва профессионаллигини хисобга олиш;
- ходимнинг шахсий ва ишчанлик сифатларига таянган холда уларни ишга қабул килинишини таъминлаш, меҳнатига хақ тўлашни белгилаш ва хизмат погоналарида юкорилаб боришини ташқил этиш;
- амалга оширилиши Банк учун ижобий самара бериши мумкин бўлган Банк ходимларининг ташабbusли гоя ва таклифларни баҳолаш ва рағбатлантириш;
- қонун хужжатларида белгиланган меҳнатга хақ тўлашни ташқил этиш, иш хақини ўз вақтида тўланишини таъминлаш;
- юкори профессионаллик, виждонлилик ва адолатлилик намунаси бўлиш, қўл остидаги ходимлардан уларнинг лавозим мажбуриятлари доирасидан чиқадиган топширикларни бажаришини талаб қилмаслик ҳамда уларни гайриқонуний хатти-харакатларни бажаришга мажбур қилмаслик;
- амалдаги қонун хужжатларида кўзда тутилган хавфсизлик ва меҳнатни муҳофаза қилишини кафолатловчи барча чораларни таъминлаш ҳамда ходимнинг касбий ўсишига кўмаклашувчи меҳнат шароитларини яратиш ва унинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш;
- қонун хужжатлари доирасида ходимларга дахлдор конфиденциал ахборотни ошкор қилмаслик;
- коррупциянинг олдини олиш чораларини қўриши;
- ходимларга нисбатан адолатли ва виждонли муносабатни таъминлаш, низолар ва ходимлар томонидан лавозим мажбуриятлари бўзилиши холатларини текширилган далиллар ва ишончли маълумотлар асосида кўриб чиқиши;
- хар қандай вазиятда хулқ-атвортда шубха пайдо бўлган тақдирда ходимлар бевосита ёки юкорида турувчи раҳбариятга бемалол мурожаат қилишлари ҳамда яширин холдаги ёки намоён бўлган қонун хужжатлари, Банкнинг ички хужжатлари ва ушбу Қоидаларнинг бўзилиши холатлари тўғрисида хабардор қилишлари учун шарт-шароитларни таъминлаш;
- тегишли шарт-шароитларни яратиш, таълим олишни ва ходимлар мустақил равишда таълим олишини рағбатлантириш;
- меҳнат қонунчилиги талаблари, жамоа ва меҳнат шарномаларининг шартларига риоя этиш.

3.2. Ходимлар қуйидагилардан иборат бўлган Банк олдидағи аниқ мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- ушбу Қоидаларда кўрсатилган тамойилларга вижданан риоя қилиш, меҳнат шартномаси, Ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўрикномалари ва Банкнинг бошка ички меъерий хужжатлари талабларига амал қилиш ҳамда уларни бузганлиги ва уларга амал килмаганлиги учун шахсан жавоб беришини англаши;
- фактат Банк манфаатлари ва устуворликларига таянган холда лавозим мажбуриятларини профессионал, самарали ва ҳолис бажариш;
- ваколати бўлмаган шахсларга хар қандай конфиденциал ахборотни ошкор қилмаслик ва шундай ахборотни муҳокама қилишдан ўзини четга олиш;
- коррупция содир этилишига қарши курашиш ва уни олдини олишга кўмаклашиш;
- иш вақтида ходимларнинг ташқи қўриниши умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлилиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши

керак.

- Банкнинг корпоратив ресурсларини мухофаза қилиш, улардан самарали ва эхтиёткорона фойдаланиши, уларни шахсий манфаати, фойда олиши учун ва Банк билан боғлиқ бўлмаган хар қандай фаолиятда ишлатмаслик;
- ҳамкаслари, Банк мижозларига хушмуомала ва хурмат билан муомала қилиш;
- Банк раҳбариятининг тўғридан-тўғри рухсатисиз ёки бевосита берилган ваколатларсиз Банк номидан хар қандай мавзуларда оммавий чиқиш, фикр билдириш ва интервью беришга йўл қўймаслик;
- низоли вазиятларни вужудга келишига, тажавузкорлик, таҳдид, зўравонлик ва бошқа шу каби холатларни намоён бўлишига йўл қўювчи ва уларни рағбатлантирувчи хар қандай харакатлардан ўзини тийиши;
- шахсий манфаатлари ва лавозим мажбуриятлари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган хар қандай низога йўл қўймаслик, Мижозлар ва бошқа учинчи шахслар билан ишлашда манфаатлар тўқнашувига оид Банк талабларига риоя этиши;
- бевосита раҳбариятни ҳамда Ахборот ва банк хавфсизлиги департамента ни ўзга шахслар томонидан конфиденциал ахборотлардан фойдаланишга ўринишлар бўлганлиги, шунингдек конфиденциал ахборот йуколганлиги ёки камлиги тўғрисида хабардор қилиш;
- қонун хужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий хужжатлари бўзилишига йўл қўймаслик;
- ушбу Қоидаларда, бошқа ички хужжатларда кўзда тутилган бошқа вазифаларни бажариш.

IV. Қоидаларни қудлат ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузгаплик учун жавобгарлик

- 4.1. Ушбу Қоидалар Банкнинг ички меъёрий хужжати хисобланиб, барча Банк ходимлари томонидан бажарилиши мажбурийdir.
- 4.2. Хар бир ходим Қоидаларнинг талабларига риоя қилишда қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда шахсан жавоб беради.
- 4.3. Банк ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда хисобга олинади.
- 4.4. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари меъёрларининг бузилиши Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чикилади.
- 4.5. Одоб-ахлоқ комиссияси Банк ходимларидан камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг максади, вазифалари, функциялари, хукуклари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташқил этишининг бошқа масалалари давлат органи томонидан тасдикланган Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланади.
- 4.6. Одоб-ахлоқ қоидаларининг бўзилиши холатларини Ходимлар билан ишлаш департаменти ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари буйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бўзилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида холоса чиқарилади. Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузган ходимга нисбатан чоралар кўриш тўғрисида, комиссия томонидан Банк Бошқарув Раисига таклифлар киритилади.
- 4.7. Йўл куйилган қоида бўзилишининг характеристини хисобга олган холда, Одоб-ахлоқ комиссияси ходимга нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огохлантириш билан чекланиши мумкин.
- 4.8. Банк ходимлари ўzlари йўл қўйган қоида бўзилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни хақида ахборотни олиш ва ўзини химоя қилиш учун далилларни тақдим этиши, шунингдек давлат органининг карорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиши хукукига эга.

V. Холоса

- 5.1. Ушбу Қоидалар уни Банк Бошқаруви тасдиклаган куннинг эртасидан кучга киради.